



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2018 йил 9 АВГУСТ, ПАЙШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 150 (13.747)

Баҳоси эркин нарҳда



ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКИЯ ПРЕЗИДЕНТЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 8 август кунини Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғон билан телефон орқали мулоқот қилди.

Мулоқотда давлат раҳбарлари Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги дўстлик ва стратегик шериклик муносабатлари юқори суръатларда ривожланиб бораётганини чуқур мамнуният билан қайд этдилар.

Ўтган йил октябрь ойида Ўзбекистон Республикаси Президентининг мамлакатимизга тарихий давлат ташрифлари икки томонлама кўп қиррали муносабатларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариб, аниқ амалий мазмун билан бойитгани алоҳида таъкидланди.

Ўзаро сиёсий мулоқот фаол ривожланиб бормоқда, мамлакатларимиз халқлари ва минтақавий ташкилотлар, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Ислам ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа тузилмалар доирасида яқин ҳамкорлик қилмоқда, бир-бирини қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик кенгаймоқда, ўзаро савдо ҳажми ортмоқда: жорий йилнинг биринчи ярмида Ўзаро товар айирбошлаш қарийб ўттиз фоиздан зиёд ошди.

Туркиянинг етакчи саноат компаниялари ва банклари билан биргаликда мамлакатимиз ҳудудларида, аввало, юқори технология ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, энергетика, транспорт-коммуникация, логистика ва туризм инфратузилмасини модернизация қилиш, шахарсозлик, банк-молия соҳалари ва бошқа устувор йўналишларда йирик инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Ишбилармон доиралар ўртасидаги алоқалар ва маданий-гуманитар алмашинувлар жадал ривожланмоқда. Давлат раҳбарлари халқро ва минтақавий сиёсатнинг томонларини қизиқтирган долзарб масалаларини муҳокама қилдилар, шунингдек, бўлажак олий даражадаги тадбирлар режасини кўриб чиқдилар.

Мулоқот сўнггида давлат раҳбарлари Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги дўстлик ва стратегик шериклик муносабатларини, кенг кўламли ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашга интилишлари қатъий эканини яна бир бор тасдиқладилар.

Ўза

МАМЛАКАТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИ ХИТОЙЛИК ЭКСПЕРТЛАР НИГОҲИДА

Демократик ва инновацион тараққиёт йўлида бораётган Ўзбекистон илғор хорижий тажрибани ўрганишда давом этмоқда. Республикаимизда мунтазам равишда хорижий экспертлар иштирокида халқаро тадбирлар ўтказилиб, улар якуни бўйича тегишли хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқилаётди. Ўзбекистоннинг дунё тажрибасини ўрганиш ва унинг энг яхши намуналарини миллий амалиётга жорий қилишга интилиш халқро ҳамкорлар томонидан юқори баҳоланмоқда. Хусусан, мамлакатимизда ўтказилаётган тадбирларни диққат билан кузатиб бораётган Хитой вакиллари қуйидаги фикрларни билдирдилар.

Хю Мей, Шимолий Хитой Технология университети Халқаро идораси директорининг ўринбосари, Халқаро мактаб деканининг муовини:

Жорий йил 16 июль кунини Тошкентда бўлиб ўтган "Сийсий тизимни демократлаштириш ва модернизация қилиш шароитида қонун ижодкорлиги ва парламент назорати: Ўзбекистон тажрибаси" мавзусига бағишланган халқаро давра суҳбатига доир маълумотлар менда катта қизиқиш уйғотди.

Дарҳақиқат, ички ва ташқи сиёсатга оид муҳим вазифаларни ҳал этишда, ижро ҳокимияти фаолияти устидан парламент назоратини амал-

га оширишда парламент ваколатларини янада кенгайтириш замонавий дунёнинг муҳим вазифалари сирасига киради. Уйлайманки, айнан шу нукта назардан демократик ислохотлар ва мамлакатни модернизациялашда Ўзбекистон Олий Мажлиси ўрнини янада кучайтириш, сиёсий партияларнинг таъсирини мустаҳкамлаш 2017 йил февраль ойида Ўзбекистон Президентини Фармони билан тасдиқланган "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси"да устувор вазифа сифатида белгиланган.

(Давоми 2-бетда)



ЎЗБЕКИСТОН – УМУМИЙ УЙИМИЗ

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан турли ташкилотлар билан биргаликда ташкил этилган "Бағрикенг Ўзбекистон" ёшлар фестивалининг Тошкент шаҳар босқичи ўтказилди.

Фестиваль мамлакатимиз ёшлари орасида миллий истиқлол гоёси, халқимизнинг бой маданий мероси ва маънавий-ахлоқий анъаналари, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик гоёларини кенг тарғиб этиш, бағрикенглик ва инсонпарварлик маданиятини юксалтириш, улар онгига "Ўзбекистон – умумий уйимиз" гоёсининг мазмун-моҳиятини етказиш, ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятларга садоқат руҳида тарбиялаш ҳамда уларда турли миллат ва эллат вакиллари тили, анъана ва урф-одатларига ҳурмат ҳиссини шакллантириш мақсадида ташкил этилди.

Фестивалнинг шаҳар босқичида ушбу танловнинг

туман босқичларида голиб бўлган 112 нафар иштирокчи қатнашди.

Иштирокчилар иншолар, шеърлар, тасвирий суратлар, фотосуратлар, турли миллат вакиллари миллий рақслари бўйича ўз ёш тоифалари бўйича маҳоратларини намойиш этишди.

Мамлакатимиз ёшлари ўртасида миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик гоёларини кенг тарғиб этишга қаратилган "Бағрикенг Ўзбекистон" ёшлар фестивали кенг қамровли, турли танлов ва йўналишларни ўзида мужассамлаштирган оммавий тадбир сифатида барчанинг қалбидан унутилмас жой олди.

Зиёда РАСУЛОВА

МИЛЛИЙ АДАБИЁТИМИЗГА ТЕРАН-ТАҲЛИЛИЙ НАЗАР

Президентимизнинг "Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халққаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари" мавзусидаги халқаро конференция иштирокчиларига табриги анжуман қатнашчиларига катта таассурот қолдирди. Тадбирнинг навбатдаги кунинда конференция қатнашчилари кўҳна ва ҳаммаша навқирон Самарқанд шаҳрининг диққатга сазовор жойларига ташриф буюрди.

Хендрик БОЁШОТЕН, нидерландиялик олим:

Президент Шавкат Мирзиёевнинг халқро анжуман иштирокчиларига йўллаган табригини катта қизиқиш билан тингладик. Унда бугунги адабий жараёнларга ҳолис, теран, чуқур, кенг ва таҳлилий баҳо берилиши билан биргаликда ўзбек адабиётини жаҳонга кенгроқ таништиришга оид амалий ечимлар ҳам келтирилган барчанинг диққатини ўзига жалб этди. Табрикда айниса, "Биз сизларнинг ҳар бирингизини ўзбек адабиёти ва маданиятининг моҳир билимдон ва жонқуяр тарғиботчиси, Ўзбекистоннинг чинакам дўсти, маънавий соҳасидаги ишончли ҳамкоримиз деб биламиз ва сизларнинг олижаноб фаолиятингизни юксак баҳолаймиз", деган юксак эътироф ҳар бир иштирокчининг қалбини тўлқинлантиргани, янги-янги ижодий марраларга чорлагани шубҳасиз.

"Қисса Рабғузий" асарини инглиз тилига таржима этиш устидан иш олиб борганам. Ўзбекистонга 1983 йилда келган эдим. Шунча йиллар ўтиб яна бу табаррук диёрга келишга муваффақ бўлдим. Утган вақт мобайнидаги ўзгаришлар ҳақида сўзласам, бир кун ҳам етмайди. Ўзбекистон дадил тараққиёт йўлига кир-

ган. Эҳтимол юртингизда рўй бераётган улкан ижобий ўзгаришлар шу заминда истиқомат этаётган одамларга унчалик ҳам сезилмас, лекин ташқаридан келган меҳмон ёки сайёҳга дарҳол билинади.

Армине МАРТИРОСЯН, армяноистиллик таржимон:

Анжуман иштирокчиларига йўллаган табрик гоёт самимий, чин дилдан, адабиёт, таржима санъатини нозик ва теран англаган тарзда йўлланган. Дарҳақиқат, Ўзбекистон гоёт бой адабий, илмий-маърифий меросга эга. Буларнинг барини жаҳонга тақдим этишда эса таржимон маҳорати, мутаржимлик мактабининг ўрни беқиёс.

Конференция доирасидаги тадбирларда Ўзбекистонда ижод аҳли учун яратилаётган кенг имконият ва шароитлар, ёзувчи ва шоирларнинг меҳнатини қўллаб-қувватлаш, китобхонлик маданиятини юксалтириш, ёшларнинг адабиётга бўлган меҳр ва эҳтиромини янада кучайтириш, истеъдодлар сафини кенгайтириш борасидаги ишлар давлат раҳбарининг доимий эътиборида эканининг ғувоҳи бўлдим.

Бу конференцияда "Ўзбек мумтоз адабиётида рубоийнинг роли" мавзусидаги маъруза билан қатнашдим. Катта ва бебаҳо хази-

нага эга бу меросга қизиқувчи олимлар, адабиётшунослар, мутаржимлар билан ўзаро фикр ва тажриба алмашиш, юртингизнинг адабий жараёни билан кенгроқ танишиш имконига эга бўлганимдан гоёт мамнунман.

Инг Ёнг О, Жанубий корейлик олим:

Президент Шавкат Мирзиёев табригида адабиётнинг бугунги мураккаб глобализм давридаги масъулиятли, ҳам эзгу ва инсонпарвар вазифаси хусусида атрафлича тўхталиб ўтилгани эътиборга молик.

Ўзбек адабиётини жаҳонга кенгроқ таништириш таржима муҳим ўрин эгаллайди. Шу маънода табрикда келтирилганидек, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси қўлида чет эллик адабиётшунос мутахассислар иштирокида Ўзбек адабиётининг хорижий дўстлари кенгашини тузиш таклифи диққатга сазовордир.

Ўзбек адабиётининг фольклор йўналиши бўйича илмий изланиш олиб бораман. Ушбу халқаро конференция ўзбек миллий адабиётига қизиқувчи олимлар, таржимонларнинг келгусидаги илмий изланишлари учун яхшигина манбаа бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Ўза муҳбири Н.УСМОНОВА ёзиб олди

XXI аср сарҳоси Барча манбалардан олинган сўнги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Урганчада "Ҳар бир оила – тадбиркор" дастури ижроси доирасида Хоразм вилоятида амалга оширилаётган ишлар ҳамда истиқболдаги вазифаларга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Тадбирда дастурдан қўзланган мақсад, унда белгиланган вазифалар, эътибор қаратилиши лозим бўлган масалаларга Андижон вилояти тажрибаси бўйича тушунтиришлар берилди.

• Қашқадарё вилоятида "Ёш китобхон" танловининг туман ва шаҳар босқичлари бошланди.

Унда ёшлар учта – 10-14, 15-19, 20-30 ёш тоифасида сараланмоқда. Танловнинг саралаш босқичларида вилоят бўйича 92 минг 689 нафар ёшлар иштирок этиб, 569 нафари танловнинг туман (шаҳар) босқичларида иштирок этиш йўлланмасини қўлга киритди.

• Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳрида коммунал тўловлардан қарздорлиги бўлмаган фуқароларни рағбатлантиришга бағишланган тадбир ўтказилди. Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси Тошкент вилояти бошқармаси томонидан ташкил этилган тадбирда МИБ масъуллари, жамоат ташкилотлари вакиллари, маҳалла фаоллари иштирок этди. Тадбирда шаҳарнинг бир гуруҳ намунали истеъмолчилари рағбатлантирилди. Уларга МИБ вилоят бошқармасининг фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди.

• Жиззах вилояти мусикали драма театри навбатдаги мавсумини Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Ориповнинг "Жаннатга йўл" драмаси асосида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

НОРМА ИЖОДКОРЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида (кейинги ўринларда Ҳаракатлар стратегияси деб юртилади) қабул қилинаётган қонунларнинг ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва суд-ҳуқуқ ислохотлари жараёнига таъсирини кучайтиришга йўналтирилган қонун ижодкорлиги фаолияти сифатини тубдан ошириш давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг асосий вазифаларидан бири этиб белгиланган.

Шу билан бирга, белгиланган кенг кўламли ислохотларнинг муваффақиятли амалга оширилиши маълум даражада ўтган йилларда шакланган қонунчилик базасига, шунингдек, норма ижодкорлиги жараёни сифатида боғлиқ.

Ушбу йўналишда мавжуд бўлган камчиликлар турли соҳалардаги ижтимоий муносабатларни тарқоқ ҳолда тартибга солиш салбий амалиётининг давом этишига олиб келмоқда, бу эса ҳуқуқий коллизиялар, ҳуқуқни қўллашда турлича талқин қилиш ва мураккабликлар юзага келишига сабаб бўлмоқда.

Бугунги кун воқелиги тизимли муаммоларга тежорлик билан муносабат билдириши талаб қилади, уларнинг ечимлари йўқлиги мамлакатда олиб борилаётган ислохотларда акс этмоқда. Бироқ, бу борада қўлланилаётган норма ижодкорлиги ёндашуви қонун ҳужжатларининг мамлакат иқтисодий тармоқларига таъсирини баҳолаш заруриятини ҳисобга олмаяпти ҳамда жамоатчилик фикрини инобатга олган ҳолда фуқароларнинг ҳаёти ва фаровонлигини яхшилашга доир вазифаларга эришишни таъминламаяпти.

Шу билан бирга, умумий тусга эга бўлган қонунлар кўплиги, шунингдек, уларни амалга оширишнинг муайян механизмига айрим қарорларнинг қабул қилиниши, умуман давлат ва жамият ривожига салбий таъсир кўрсатмоқда, ижтимоий муносабатларни асосан қонуности ҳужжатлари билан тартибга солишга олиб келмоқда.

Тизимлаштирилган қонунчилик базасини шакллантириш, амалга оширилаётган ислохотларнинг ҳуқуқий жиҳатдан таъминлини такомиллаштириш, шунингдек, Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни изчил рўёбга чиқариш мақсадида:

1. Қуйидагилар:
 - Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепцияси (кейинги ўринларда – Концепция) 1-иловага мувофиқ;
 - Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини амалга ошириш бўйича амалий чора-тадбирлар режаси (кейинги ўринларда – Амалий чора-тадбирлар режаси) 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Қуйидагилар норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:
 - қонунчилик базасини тизимлаштириш, ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш барқарорлигини таъминлаш;
 - норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёнлари сифатини ошириш, шунингдек, уларнинг ижроси мониторингини такомиллаштириш;
 - норма ижодкорлиги жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш;
 - норма ижодкорлигида "ақли тартибга солиш" модели элементларини қўллаш;
 - норма ижодкорлиги фаолиятининг институционал асосларини такомиллаштириш.
3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари ва Вазирлар Маҳкамасининг қуйидаги тартибни белгилаш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин:
 - давлат органлари томонидан қонунларни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилиш ташаббусига фақатгина ушбу органларнинг кўтарилаётган масалалар ёки муаммоларни қонун ҳужжатларида назарда тутилган амалдаги нормалар ва маъмурий тартиб-таомиллар орқали ҳал қилиш ваколати бўлмаган тақдирда йўл қўйилад;
 - қонунларни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини қўллаш, улар кўчга кирган пайтдан эътиборан ижросини ташкил этиш юзасидан қўшимча ички идоравий ҳужжатлар қабул қилишга доир мажбуриятлар юклатилмаган ҳолда амалга оширилади;

(Давоми 2-бетда)

САҲНАЛАШТИРИЛГАН СПЕКТАКЛЬ БИЛАН БОШЛАДИ

Асарни кўп йиллардан буён ушбу даргоҳда ижод қилиб келаётган таниқли режиссёр Илҳом Норматов саҳналаштирди.

ЖАҲОНДА

• Кот-д'Ивуар президенти Ахасан Уаттар миллий байрам муносабати билан 2010 йилда мамлакатда рўй берган тартибсизликлар пайтида хисбага олинган 300 нафар сиёсий маҳбусни озод қилиш бўйича амнистия ҳақидаги қарорни имзолади.

• Москвада Марказий Африка Республикасига ҳужжатли фильм ишлаш учун кетган 3 нафар россиялик журналистнинг ўлими муносабати билан кенг жамоатчилик иштирокида видолашув маросими ўтказилди. Айни пайтда уларнинг талончилик мақсадида ўлдирилганлиги ҳақида тахминлар мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИНОРМА ИЖОДКОРЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
КОНЦЕПЦИЯСИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш чоғида унга, қоида тариқасида, қонун ва қонуности ҳужжатларини такомиллаштириш, ташкилий-техник чораларни амалга ошириш, шунингдек, қонун лойиҳасини кенг қўламада тарқатиш ҳамда унинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини тарғиб қилиш бўйича масалаларни ўз ичига олган қонун лойиҳасини амалга оширишга доир тадбирлар режасини илова қилади. Бунда, тадбирлар режаси қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан маъқуллаш билан бир вақтда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари томонидан унинг ижроси устидан таъсирчан назоратни таъминлаш ҳолда тасдиқланади;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси қарорларида улар қабул қилинган кейин алоҳида тадбирлар ва назорат режаларини, шунингдек, "йўл хариталари"ни қўшимча тарзда тасдиқламаган ҳолда аниқ топшириқлар ва уларни амалга ошириш механизмларини белгилувчи нормалар, муддатлар ва масъул ижрочилар мажбурий равишда назарда тутилади;

янги идоровий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш ўхшаш муносабатларни тартибга солишга айнан бир хил юридик кучга эга ҳужжатни бекор қилиш билан бир вақтда ёки унга тақлиф этиладиган ўзгаришлар киритиш орқали, шу жумладан, уни янги таҳрирда баён этган ҳолда амалга оширилиши лозим.

4. Қуйидагиларга:

а) Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси палаталарига Вазирлар Маҳкамаси билан бирга қадар уч ой муддатда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини, шунингдек, уларга илова қилинаётган ахборот-таҳлилий материалларни юридик-техник жиҳатдан расмийлаштиришнинг ягона усубиётини ишлаб чиқиш;

б) Ўзбекистон Республикаси Олий судига Адлия вазирлиги билан бирга қадар уч ой муддатда: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва юридик-техник жиҳатдан расмийлаштириш ҳамда уларни манфаатдор идоралар билан келишиш тартибидан тасдиқлаш;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳамда илгари фаолият юритган Олий ҳужжатли суди Пленумининг қарорларини хатловдан ўтказиш ҳамда уларни тизимлаштириш, қонунчиликдаги ўзгаришларни, шунингдек, ҳуқуқни қўллаш амалиётида ноаниқликлар истисно этилишини таъминлашни ҳисобга олган ҳолда уларни қайта тасдиқлаш бўйича тадбирлар режасини ишлаб чиқиш тавсия этилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2019 йил 1 январдан эътиборан қуйидагиларни тугатиш тўғрисидаги тақлифлари маъқуллансин:

давлат органлари ва ташкилотларининг "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ахборотномаси", "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари тўплами" ва "Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари тўплами"га обуна бўлиш;

"Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ахборотномаси", "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари тўплами", "Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари тўплами"ни уларни Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасига (www.lex.uz) ўтказган ҳолда нашр

этиш, бундан архивларда, ахборот-ресурс марказларида сақлаш учун, шунингдек, жисмоний ва юридик шахслар талабларига кўра тайёрланадиган нусхалар мустасно.

6. Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини амалга ошириш бўйича комиссия (кейинги ўринларда – Комиссия) 3-иловага мувофиқ таркибда тузилсин.

7. Комиссия (Н.Исмоилов):

а) Концепция ва Амалий чора-тадбирлар режасини амалга оширишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини сифатли ишлаб чиқишни ва белгиланган тартибда киритишни таъминласин;

б) Концепцияни амалга ошириш доирасида фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари, илмий доиралар ва хорижий экспертларни кенг жалб этган ҳолда учрашувлар, семинарлар, давра суҳбатлари ва матбуот конференцияларини ташкил этсин;

в) бир ой муддатда қонунчилик базасини тўлиқ хатловдан ўтказиш ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қуйидагилар асосида қайта кўриб чиқиш бўйича тақлифлар киритсин:

аниқ соҳалардаги муносабатларни тартибга солиш (сайлов тизими, архитектура ва қурилиш, таълим, инвестициялар, тадбиркорлик фаолияти ва бошқалар) норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштириш;

амалга оширилаётган ислохотларнинг мақсад ва вазифаларига мувофиқ ҳолда ижтимоий муносабатларни норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан амалий ва самарали тартибга солиш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар даражасида мустақамлаш талаб этиладиган юқори юридик кучга эга нормаларни белгилаш;

идоровий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни имкон қадар қисқартириш;

умумий тусдаги, ҳаракатсиз ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига таъсир этмайдиган қонун ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш;

ассосиз чекловлар, ортиқча маъмурий тартиб таомиллар ва эскирган тартибга солиш механизмларининг маъжудлиги;

г) икки ой муддатда идоровий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар нормаларини юқори юридик кучга эга бўлган қонун ҳужжатларига ўтказиш ва "тартибга солиш гильотиначи" усулини қўллаш орқали қолган ҳужжатларни, шу жумладан, қонунчиликни тизимлаштириш доирасида ҳар бир идоранинг ваколатини, босқичма-босқич, қайтариш ва бекор қилишни назарда тутувчи, улар томонидан қабул қилинаётган идоровий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг аниқ рўйхатини белгилаш бўйича тақлиф киритсин.

д) икки ой муддатда қонунчиликни тизимлаштириш жараёнида фойдаланиш мақсадида халқаро ташкилотларнинг тақлиф ва тавсиялари, кўриб чиқилиши зарур бўлган халқаро шартномалар талаблари ҳамда мажбурий тартибда риоя қилиниши керак бўлган ва ҳуқуқий базадан чиқариб юборилмайдиган талаблар бўйича ягона оммабоп рўйхатнинг шакллантирилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан бирга қадар 2019 йил 1 январга қадар қуйидагиларни таъминласин:

а) Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини ишлаб чиқиш ва келишишини ягона электрон тизимини ишлаб чиқиш ва синов тариқасида ишга тушириш, бунда:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини ишлаб чиқиш ва келишиш жараёнини бошқариш ва назорат қилиш, шу жумладан, маъсул идоралар, бошқа органлар ва ташкилотлар томонидан лойиҳаларга электрон кўринишдаги виза қўйишни амалга ошириш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқиш ва келишиш бўйича идоралараро электрон

ҳамкорлиқни, шунингдек, уларни ишлаб чиқиш жараёни мониторинг қилинишини таъминлаш;

лоийҳаларни жамоатчилик ва касбий доирада муҳокама қилиш, шу жумладан, фойда, ҳаражат ва қутилаётган натижалар таҳлилини ҳамда уларнинг жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларига, ижтимоий соҳага, тадбиркорлик фаолиятига, атроф-муҳит ҳолатига таъсирини, шунингдек, юзага келиши мумкин бўлган оқибатларни баҳолаш имконини яратиш;

б) Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси тизимини, шу жумладан, қуйидагиларни назарда тутган ҳолда модернизация қилиш:

миллий қонунчиликнинг мавзули маълумотномасини такомиллаштириш;

ҳаволалар ёки муайян бўшлиқлар мавжудлигини кўрсатиб берган ҳаволалик нормаларга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисидаги маълумотларни қўшимча ахборот сифатида кўрсатиш;

фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига даҳл қилувчи, шунингдек, чет эл инвесторлари учун муҳим аҳамиятга эга норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг чет тилларига расмий таржимасини таъминлаш.

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги "Қонун ҳужжатларининг таъсирчанлигини баҳолаш тизими" порталининг Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини ишлаб чиқиш ва келишишини ягона электрон тизими таркибий қисми сифатида унга интеграция қилинишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Фанлар академияси ва Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан бирга қадар 2019 йил 1 февралга қадар муддатда илмий эксперт доиралари вакиллари, олий ўқув юрталари талабалари ва илмий даражалар олиш учун талабдорлар томонидан илмий-таҳлилий фаолият асосида ишлаб чиқилган қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан тақлифларни ўз ичига олган онлайн оммабоп ахборот тизимини яратсин ва уни мунтазам равишда янгиллаб боссин.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги: Концепция ва Амалий чора-тадбирлар режасини амалга ошириш доирасида ишлаб чиқилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари сифатли ва ўз вақтида тайёрланиши, келишилиши ва киритилиши устидан мониторинг ўтказилишини таъминласин; ҳар ойда Комиссияга мониторинг натижалари тўғрисида ахборот киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти Амалий чора-тадбирлар режасида назарда тутилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлашда маъсул органлар ва ташкилотларга илмий-услубий ва ахборот-таҳлилий жиҳатдан кўмаклашсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Комиссияга норма ижодкорлиги соҳасида илгор хорижий мамлакатларнинг қонунчилигини ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини, зарур ҳолларда, хорижий (халқаро) ташкилотлар вакиллари жалб этган ҳолда ўрганишни ташкил этишга кўмаклашсин.

13. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М.Мавлонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,

2018 йил 8 август

ҲИНДИСТОНЛИК
ИШБИЛАРМОНЛАР БИЛАН
ВИДЕОМУЛОҚОТ

Тошкент шаҳрида Ўзбекистон ва Ҳиндистон ишбилармон доираларининг онлайн видеомулоқоти бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси томонидан Ҳиндистон Савдо палатаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда иккисодиёт, энергетика, савдо, сармоя, тиббиёт, кимё ва электрон маҳсулотлар, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш каби соҳалар учун маъсул концерн ва компаниялар вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси расиси А.Икромов 6-7 август кунлари Ҳиндистонда икки мамлакат вазирлик, йирик корхона ва ташкилотлари раҳбарлари иштирокида бўлиб ўтган учрашув ва музокара-лар якунлари ҳақида маълумот берди. Ҳиндистоннинг мамлакатимиздаги Фавкулда ва мухтор элчиси Винод Кумар шу йил 16-18 август кунлари пойтахтимизда ўтказилиши режалаштирилган савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон Ҳиндистон ҳукуматлараро комиссиясининг навбатдаги йиғилиши ва бизнес-форум икки томонлама савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлик қўламини кенгайтиришга хизмат қилишини таъкидлади.

Видеоконференцияда Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасида савдо, фармацевтика, текстиль, тиббиёт, туризм ва логистика тармоқларидаги ҳамкорликни кенгайти-

риш бўйича ишбилармон доираларнинг тақлифлари тингланди. Сўнги икки йилда туризм, логистика ва тиббиёт соҳаларида товар ва хизматлар айирбошлаш ҳажми жадал ўсгани, бошқа соҳаларда ҳам шундай ривожланиш суръатларини таъминлаш учун имкониятлар юқори экани қайд этилди.

– Салкам 10 йилдан буён тиббиёт йўналишида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаман, – дейди ўза муҳбирга Тошкентдаги "Astam Healthaе" компанияси директори Манож Кумар. – Ушбу онлайн учрашувда дори-дармон маҳсулотларини рўйхатга олиш тизимини қайта кўриб чиқиш ва икки томон учун ҳам қулайликлар яратиш бўйича ўз тақлифларимни бердим. Бундай мулоқотлар ўзаро савдо ҳажмини ошириш ва ишбилармонлар алоқаларини янада яхшилашда қўл келади.

Учрашувда икки мамлакат ишбилармон доиралари ўртасида истиқболли ҳамкорликни кенгайтириш, Тошкентда "Ўзбекистон – Ҳиндистон тадбиркорлигини ривожлантириш маркази"ни ташкил этиш масалалари юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

Дилобар МАМАТОВА

Ўзбекистон мудофаа вазири Абдусалом Азизов Тожикистон Республикаси мудофаа вазири Шерали Мирзо билан учрашди.

МУДОФАА ВАЗИРЛИГИДА
УЧРАШУВ

Мулоқотда Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасидаги ҳарбий ҳамкорликка оид масалалар муҳокама қилинди. Мамлакатларимиз ўртасида мудофаа соҳаси бўйича ҳамкорликни янада ривожлантириш лозимлиги қайд этиб ўтилди.

Ўзбекистон мудофаа вазири сўнги йилларда икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришда кузатилаётган ўсиш суръатини алоҳида қайд этди. Бу борада жорий йилнинг март ойида Ўзбекистон ва Тожикистон Президентлари ўртасида бўлиб ўтган учрашувнинг нақадар муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлади. Турли соҳалардаги ўзаро ҳамкорлик Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик, хавфсизликни таъминлашда муҳим омил бўлмоқда. Биргаликда халқаро муаммоларни ҳал этишга кўмаклашиш, терроризм ва экстремизм ҳамда бошқа турдаги уюшган трансмиллий жиноятчиликка қарши курашиш соҳаларида ҳамма бир-бирини қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Тожикистон Республикаси мудофаа вазири Ўзбекистон Куролли Кучлари минтақадаги энг кучли ва замонвий курол-аслаҳалар билан таъминлангани,

Ўзбекистон армиясининг ҳарбий хизматчилари жанговар ўқув машғулотлари борасида яхши базага эгалиги ҳусусида илқ фикрларини айтиб ўтди. Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги тасаруфидидаги олий ҳарбий таълим муассасаларида профессионал кадрларни, айниқса, Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртида учувчилар таркибини тайёрлаш тизимини юқори баҳолади.

Учрашув якунида икки мамлакат мудофаа идоралари раҳбарлари 2018 йилги ҳарбий ҳамкорлик режасини имзолади. Шундан сўнг меҳмонлар пойтахтимиздаги Хотира майдонида Мотасаро ойна ҳайкали пойига гулчамбар қўйди.

Тожикистон делегацияси вакиллари Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари академиясида ҳарбий кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнлари билан танишди. Шунингдек, улар Чирчик шаҳридаги ҳарбий полигонда ҳам бўлиб, "Танк биатлони" беллашуви бўйича ташкилланган кўргазмали машғулотни томоша қилди.

А.МУСАЕВ,
Ўза муҳбириСЕНАТ ҚЎМИТАСИ
ЖАМОАТЧИЛИККА
ҲИСОБОТ БЕРДИ

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Сувон Мелиев 60 мингдан зиёд китоб тўплаган.

Ҳовлисига туташ бўлган 2 сотихли ер ташландиқ ҳолда. Гап шундаки, маънавий фидойиси ташландиқ бу ерда халқ кутубхонасини қуришни, унда ёшлар учун бепул ижодий тўғарақлар ташкил этишни, ижодий суҳбатлар, машғулотлар ўтказишни мақсад қилган. Бу борада Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитасига мурожаат қилиб, амалий ёрдам сўраган...

Бу ҳақда мазкур қўмита томонидан Ўзбекистон Миллий матбуот марказида ўтказилган матбуот анжуманида айтилди, дея хабар беради ўза.

Жорий йилнинг биринчи ярмида қўмита томонидан 4 мингга яқин фуқаро қабул қилинди, 800 га яқин учрашувлар ўтказилди, 500 дан зиёд фуқаронинг мурожаати ўрганилди. Тўй-ҳашамларни қонуний жиҳатдан тартибга солиш, ҳарбий қисмларда китоб тарғиботи юзасидан давра суҳбатлари, семинарлар ташкил этилди.

Матбуот анжуманида Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили тўғрисида"ги қонунининг Тошкент шаҳридаги ижросини ўрганиш қўмитани жорий йилдаги асосий вазифаларидан бири экани айтилди.

...Қўмита масъуллари Сувон Мелиевнинг мурожаати ва шу сингари халқ манфаати йўлидаги тақлифлар қўллаб-қувватланиши, амалий ёрдам кўрсатилишини таъкидлади.

Моҳигул КОСИМОВА

МАМЛАКАТИМИЗ
ТАРАҚҚИЁТИ ХИТОЙЛИК
ЭКСПЕРТЛАР НИГОҲИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистонда парламентни изчил, узлуксиз ва тадрижий ривожлантириш, унинг давлат ҳамда жамият қурилиши соҳасидаги ролини оширишнинг мустақам ҳуқуқий асослари яратилганидан яхши хабардорман. Ўтган йиллар мобайнида самарали ва таъсирчан парламент назоратини амалга оширишга йўналтирилган қатор қонуний ҳужжатлар ҳам қабул қилинди.

Мен Ўзбекистон изчил амал қилаётган қонун лойиҳаларини кенг муҳокама этиш, парламент назоратининг янги шакллари ва механизмлари, сиёсий партиялар фаоллашуви, қонун ижодкорлиги жараёнида фуқаролар ва фуқаролик жамияти институтларининг иштирокини янада кенгайтириш муҳимлиги тўғрисидаги стратегияни қўллаб-қувватлайман.

Ванг Йингчун, Хитойнинг Ипак йўли Халқаро савдо палатасининг Ташкилот аъзолари билан алоқалар бўлими директорининг ўринбосари:

– Жорий йил май ойида Тошкентдаги ИНХА университетига бўлиб ўтган ахборот-коммуникация технологиялари ва инновациялар бўйича сармовий саммит юзасидан ўз фикрларимни ўртоқлашга тўғри келди мамнунман. Унда ахборот технологиялари ва коммуникациялари тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича 2018-2019 йилларга мўлжалланган "Йўл харитаси"нинг муҳим бандлари, АКТ тармоғини ривожлантириш истиқболлари ва муаммолари билан бирга бу йўналишда таълим бериш ҳамда давлат ва бизнеснинг ўзаро ҳамкорлиги билан боғлиқ масалалар муҳокама этилгани менда алоҳида қизиқиш уйғотди.

Шунингдек, ушбу тадбир доирасида "Электрон ҳукумат" – SMART Government Uzbekistan ("Ўзбекистоннинг ақли ҳукумати") тизимини ривожлантиришнинг янги стратегияси тақдим этилгани ҳам мени бефарқ қолдирмади.

Бугунги замонимизда бошқа соҳалар сингари бизнес тараққиётини ҳам ахборот технологиялари ва коммуникацияларсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Ўзбекистон бу йўналишда олиб борилаётган чора-тадбирлар шундан далолат берадики, мамлакат ахборот-коммуникация технологиялари ва инновацияларни ривожлантиришга катта эътибор қаратмоқда. Ўз-ўзидан аёнки, 2018 йил Ўзбекистонда "Фаол тадбиркорлик, инновацион соҳалар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили", деб эълон қилинган ҳам бежиз эмас.

Менинг фикримча, бу жуда тўғри йўл. Чунки бугунги кунда ҳар қандай мамлакатнинг порлоқ келажаги ахборот-коммуникация технологиялари ва инновация янгиланишларига боғлиқ, деб ўйлайман.

"Дунё" АА
Пекин

“Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази “Фуқаролар нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида: тасаввурлар, фикрлар, кутилатган натижалар” мавзuida ижтимоий сўров ўтказди.

Сўровда иштирок этганларнинг аксарияти (78,5 фоизи) таъкидлаганидек, мамлакатимизда рўй бераётган ижобий ўзгаришларга дахлдорлик ҳисси, фуқароларнинг мамлакат ва халқ манфаатларини шахсий манфаатлардан устун қўйишга интилиши туфайли фуқароларимизнинг фаоллиги ортмоқда. Сўровда қатнашганларнинг 61,1 фоизи мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтларининг фаолият юритиши ва фаол фуқаролик позициясини намойиш этиши учун зарур ҳуқуқий асослар яратилган, деб ҳисоблайди.

Айни пайтда, ҳар учинчи иштирокчи фуқаролик жамияти институтларининг самарали ишлаши учун амалда барча керакли шароитлар яратилган, деган фикрни ёқламади. Хусусан, жойларда ҳокимият ва бошқарув органлари вакиллари нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолларининг таклиф ва тавсияларини эътиборга олмади.

Ҳамюртларимизнинг аксарияти (72 фоизи) Президентимизнинг “Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида белгиланган ишчи чора-тадбирларни қўллаб-қувватлайди. Уларнинг фикрича, ушбу ҳужжат фуқаролик жамияти институтларининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасида конструктив мулоқот ўрнатилди самарали механизмларни яратиш, нодавлат нотижорат ташкилотлари эҳтиёжларининг ҳолис таҳлилини таъминлаш ҳамда уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилган.

Фуқаролар бугунги кунда нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятига, айниқса, ижтимоий шериклик соҳаси, халқимизнинг фуқаролик салоҳиятини рўйбга чиқаришга хизмат қиладиган шароитлар яратиш, стратегик ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишда давлат ташаббусларини қўллаб-қувватлаш каби соҳаларда эҳтиёж кучли эканини қайд этган. Бу давлатимиз раҳбарининг аҳоли муаммоларини ишчи ўрганиш, айниқса, вилоятларда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга нодавлат нотижорат ташкилотларини янада фаол жалб этиш, фуқаролик институтларининг давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлигига замонавий механизмларни жорий этишга қаратилган ташаббуслари кенг жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланаётганини тасдиқлайди.

Ҳамюртларимизнинг фикрича, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда нодавлат нотижорат ташкилотлари муҳим ўрин тутди. Қатнашчиларнинг 21,9 фоизи яқин келажақда ушбу ташкилотлар фаолияти кенг қўламадани ижтимоий муаммоларни ҳал этишга йўналтирилган бўлиши, жамиятдаги барча ижтимоий гуруҳлар манфаатларини ифодалаш керак, деб ҳисоблайди. Сўров

да иштирок этганларнинг 22,7 фоизи нодавлат нотижорат ташкилотлари фуқаролар, айниқса, ёшларнинг ташаббуслари ва инновацион фикрларини қўллаб-қувватлашга хизмат қилиши, қариялар (15,7 фоизи), имкониёти чекланганларнинг (12,7 фоизи) турмуш шароитини яхшилашга қаратилган вазифаларни ҳал этиши, болалар, етим ва ногирон болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиши (9,5 фоизи) лозим, деган фикрда.

Сўров натижалари ҳамюртларимиз нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти тўғрисида янада тўлиқ маълумотга эга бўлишни истаганини кўрсатди. Сўнгги йилларда ОАВ орқали нафақат нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида умумий хусусиятдаги, балки уларнинг жамиятда ижтимоий аҳамиятга молик вази-

ий тузилма сифатида қабул қилади.

Сўровда аҳолининг эҳтиёжманд қатламларига ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва уларни қўллаб-қувватлаш, маҳаллаларни обод қилиш, ёшлар муаммолари, маънавият-маърифат, ҳуқуқни ҳимоя қилиш фаолияти, соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш билан шуғулланувчи нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари ҳам иштирок этди. ННТлар вакиллари вакиллари эътироф этганидек, жамиятда одамларга ёрдам кўрсатиш, уларни ўйлантираётган муаммо ва масалаларни ҳал этишга кўмаклашиш истаги уларнинг нодавлат нотижорат ташкилотларида ишлашига сабаб бўлган асосий омил ҳисобланади. Айни пайтда ННТларда фаолият юритаётган қарийб ҳар ўнинчи вакил ушбу ташкилотда ишлаш унинг ишга жойлашиш муаммосини ҳал этишга кўмаклашганини билдирган.

Сўровда қатнашган ННТлар вакиллари вакиллари аксарияти (64 фоизи) бундай ташкилотда фаолият юритиши орқали ўзини жамиятнинг фойдали аъзоси сифатида ҳис эътиборини таъкидлаган.

Шу билан бирга, сўровнинг ҳар учинчи иштирокчиси жойлардаги давлат органлари нодавлат нотижорат ташкилотларга нисбатан бўйсунувчи ва қўйи ташкилот сифатида қараши ва уларга кўп топширик ва вазифалар юклаши, маънавий ва молиявий ёрдам кўрсатмаслигини қайд этган. Қарийб ҳар ўнинчи иштирокчи маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари улар ишлаётган нодавлат нотижорат ташкилотларини ҳамкор тузилма, деб ҳисобламаслиги ва унинг меъёрида ишлашига тўқинлик қиладиганини маълум қилган.

Шу боис, сўров иштирокчилари Президентимизнинг “Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонининг ижросини таъминлаш орқали давлат органлари томонидан нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолият юритиши, айниқса, қонунчиликка риоя этиш борасида жамоатчилик назоратини амалга ошириши йўлидаги тўсиқлар бартараф этилиши, давлат органлари жамият манфаатларига дахлдор бўлган масалаларни ҳал этишда ННТларга кўмаклашишига умид билдирган. Шунингдек, сўровда иштирок этган нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари мазкур фармон ижроси орқали ўз фаолиятини янада фаоллаштириш учун маҳаллий бюджетдан зарур маблағ олиш умидида.

Ижтимоий сўров фуқароларимиз давлат ва жамият ишларини бошқаришда онгли равишда иштирок этиш, фуқаролик жамияти институтлари ва давлат органлари ўртасида самарали мулоқотни таъминлаш, мамлакатда тотувлик ва барқарорлик муҳитини сақлаш учун аҳолининг барча қатламлари манфаатларини ҳисобга олиш зарурлигини янада теран англаётганини кўрсатди.

“Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази материаллари асосида О.ХАРЧЕНКО тайёрлади

Ижтимоий сўров

НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ – ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ МУҲИМ ИНСТИТУТИ

фаларини ҳал этишга қўшаётган ҳиссаи тўғрисидаги батафсил маълумотларга ҳам эга бўлишни истаётганлар сони сезиларли даражада ошган. Фуқароларимиз ҳокимият органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасида мустаҳкам шериклик муносабатлари йўлга қўйилгани, жамият ҳаётининг турли жаҳаларида нодавлат нотижорат ташкилотларнинг фаолияти билан боғлиқ ёрдамчиликларда акс этган маълумотларга эга бўлиш истагиди.

Сўров иштирокчиларининг фикрича, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳам замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўз фаолиятининг ошқоралиги даражасини таъминлаши лозим.

Тадқиқот натижалари кўрсатганидек, нодавлат нотижорат ташкилотлари фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига бағишланган тарғибот ишларини амалга оширишда жамоат ташкилотлари ва давлат тузилмалари билан ҳамкорликни кучайтириши, фуқаролар, айниқса, қишлоқ аҳолисини қабул қилинаётган қонунлар, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти тўғрисида ўз вақтида хабардор қилишда бевосита иштирокини янада фаоллаштириши лозим.

Сўровнинг ҳар иккинчи иштирокчиси (54,8 фоизи) ўзи маълум масала бўйича бевосита мурожаат қилган нодавлат нотижорат ташкилоти фаолиятига ижобий баҳо берган. Умуман, фуқароларнинг кўпчилиги нодавлат нотижорат ташкилотларини мавжуд муаммоларни ҳал этишга хизмат қиладиган жиддий ижтимо-



Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими тизими раҳбар ва мутахассис ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида корейлик ўқитувчилар томонидан семинар-тренинг ташкил этилди.

КОРЕЯЛИК ПЕДАГОГЛАРНИНГ МАҲОРАТ САБОҚЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Корей Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси ҳузурдаги Таълим маркази ҳамкорлида ташкил этган семинарда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги мактаблардан 70 нафар фан ўқитувчиси иштирок этди.

Мамлакатимизда таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, ривожланган мамлакатларнинг илғор технологияларини жорий қилиш, миллий кадрларимизни сингдирган ҳолда таълимни ташкил этиш, бу жараёни пухта ва самарали амалга ошириш ишлари бугунги кунда давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Соҳани янада ривожлантириш мақсадида ташкил этилган семинар-тренингда 16 нафар корейлик педагог ижтимоий фанлар, филология, инглиз тили, математика ва ахборот-коммуникация технологиялари бўйича маҳорат сабоқлари ўтказди. Ўқитиш методикаси ва дарсларда ўқувчилар билан ишлаш юзасидан тавсиялар берилди. Тажриба алмашилди.

Инновацион педагогик технологиялар асосида олиб борилган машғулотлар фан ўқитувчилари учун муҳим аҳамият касб этди.

**Б.МЕЛИКУЛОВА,
ЎЗА мухбири**

ЭКОЛОГИК РЕЙД ЎТКАЗИЛДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Экоҳаракат депутатлари гуруҳи аъзолари, Ўзбекистон экологик ҳаракати координаторлари ва Тошкент шаҳар ҳудудий бўлини маси ходимлари пойтахтимиз ҳудудидан оқиб ўтувчи канал ва ариқларнинг муҳофаза зоналарини ўрганиш мақсадида жойларга чиқишди.

Олмазор тумани “Қичқирик”, “Дамариқ” ва “Қорақамиш” каналлари, Чилонзор, Учтепа туманларида “Бўрижар”, “Анор”, “Бўз сув” ҳамда “Октепа” каналлари сув муҳофаза зоналари ўрганилди.

Дарҳақиқат, Тошкент шаҳар ҳудудидан жами 128 та канал ва ариқлар оқиб ўтади, уларнинг умумий узунлиги 412,5 километр бўлиб, уларнинг сув ўтказиш қобилияти 1 м³/сек. дан 110 м³/сек. гачани ташкил этмоқда. Шу жумладан, улардан 16 таси Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятининг суғориш, энергетика ва саноат корхоналари учун сув билан таъминловчи туманлараро йirik магистрал каналлардир.

Ўрганиш натижаларидан маълум бўлмоқдаки, мавжуд ариқ ва каналларнинг техник ҳолати аянчиқ бўлиб, каналларнинг қирғоқ бўйи минтақа майдонлари турли ҳолатларда, каналлар бўйлари ва устки қисмларида аҳоли ҳамда юридик шахслар томонидан йиллар давомида ўзбошимчалик билан белгиланган тартибдаги техник ҳулосаларсиз эгаллаб олинган бўлиб, ҳозирги кундаги маълумотларга кўра сув муҳофаза зоналарида ўзбошимчалик билан 1400 дан ортиқ бино ва иншоотлар қурилган.

Жумладан, 122 та яшаш хонадонлари, 25 та ҳоҳлатоналари, 60 та молхона, товуқхона ва қўйхоналар, 15 та савдо дўконлари, 273 та ҳар хил турдаги ноқонуний бино ва қурилмалар, 56 та оқватланиш масканлари, 48 та айвон ва сўралар, 299 та девор ва тўсиқлар, 56 та кўприклар ва 84 та гараж ва бошқаларни ташкил этмоқда. Бундан ташқари 154 та ҳолатларда оқва сувлар ариқ ва каналларга оқиб қўйилган. 3 та қабристонлар эса сувларга жуда яқин жойлашган.

Мазкур ҳолатлар каналлар-

нинг сув ўтказиш даражасининг кескин камайишига, санитар-эпидемиологик аҳолининг ёмонлашуви, сув иншоотлари техник ҳолатининг бузилишига, эксплуатация ташкилотларининг қундалик назорат ва тозалаш ишларини олиб бориши ҳамда ёғингарчилик оқибатларида ҳосил бўлган сел оқимларини бошқариш ва талафотсиз ўтказиб юборилишида қийинчиликларга, аҳоли хонадонларининг сув босишини келтириб чиқаришга, таъмирлаш ва тиклаш ишларини бажаришда транспорт ва механизмларнинг ҳаракатланишида муаммоларга олиб келмоқда.

Жойларга чиқиш жараёнида сув муҳофаза зоналарини ўрганиш ва ноқонуний қурилмаларни инвентаризациядан ўтказиш мақсадида Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Тошкент шаҳар Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси, Фавқулодда вазирлик вазирлиги, Каналларни сақлаш, улардан фойдаланиш ва таъминлашга иختислаштирилган бошқармаси вакиллари билан биргаликда тузилган ишчи гуруҳи билан учрашув ўтказилди.

Ишчи гуруҳи томонидан берилган маълумотларга кўра, Тошкент шаҳар ҳудудидан оқиб ўтувчи каналларнинг қирғоқ бўйи минтақаси ва муҳофаза зоналарида жойлашган сувга таъсир кўрсатаётган объектлар хатловдан ўтказилган. Тошкент каналларини сақлаш, улардан фойдаланиш ва таъмирлашга иختислаштирилган бошқарма, Тошкент шаҳар давлат ёр кастри бошқармаси, Фавқулодда вазирлик бошқармаси тақдирларини эътиборга олиб, каналлар сув муҳофаза минтақалари, муҳофаза зоналарининг белгиланган бўйича лойиҳа Тошкент шаҳар ҳокимиятига тақдим

этилган. Шунингдек, Бош прокуратура, Фавқулодда вазирлик вазирлиги, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси билан каналлар бўйлариди қирғоқ бўйи минтақасида, муҳофаза зонасида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича “Йўл харитаси” ишлаб чиқилиб, бартараф этиш чоралари қўрилмоқда.

Ишчи гуруҳидан олинган материаллар таҳлилига кўра, республика ишчи гуруҳлари томонидан 800 га яқин оғохлантириш хатлари, кўрсатма ва тавсиялар берилган, ҳуқуқбузарликлар содир этган шахсларга нисбатан маъмурий жазо чоралари қўрилган.

Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 72-моддаси 1-қисми ва 91-моддаси 1-қисмига асосан 7 нафар фуқарога маъмурий иш кўзгатилиб, умумий ҳисобда 1205680 сўм жарима солинган. Шунингдек, Республика давлат санитария-эпидемиология назорати маркази томонидан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 53-моддасига асосан 35 нафар фуқарога маъмурий иш кўзгатилиб, умумий ҳисобда 5985000 сўм жарима солинган. Сувни ифлослантираётган 30 га яқин объектлар муаммоси жойида бартараф этилган.

Мазкур салбий ҳолатларга келгусида йўл қўймаслик ва уларнинг олдини олиш мақсадида олиб борилаётган ишлар ўз натижасини бериши, атроф-муҳит муҳофазасига хизмат қилиши шубҳасиз.

**Дибра ШАРИПОВА,
Экоҳаракат Тошкент шаҳар ҳудудий бўлини маси раҳбари вазифасини бажарувчиси**

МАҚОМ – МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР САРЧАШМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги томонидан Халқаро мақом санъати анжуманига тайёргарлик кўриши ва уни юқори савияда ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишларга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Анжуман миллий мақом санъатининг ноёб намуналарини кенг тарғиб қилиш, уни асраб-авайлаш ва ривожлантириш, ёш авлод қалбига миллий мумтоз санъатимизга ҳурмат ва эътибор туйғуларини камол топтиришга хизмат қилади. Шунингдек, икки йилда бир марта бўлиб ўтиши режалаштирилаётган тадбир турли халқлар ўртасидаги дўстлик ва биродарлик ришталарини мустаҳкамлаш, ижодий ҳамкорлик, маданий-маънавий муносабатлар доирасини халқаро миқёсда кенгайтириш мақсадида ташкил этилмоқда.

Президентнинг 2017 йил 17 ноябрдаги “Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан Шаҳрисабз шаҳрида ўтказилиши белгиланган Халқаро мақом санъати анжумани биринчи марта жорий йилнинг 6-10 сентябрь кунлари бўлиб ўтди.

Айни вақтда тайёргарлик ишлари қизғин давом этмоқда. Тадбир учун амфитеатр, юртимизнинг барча ҳудудларининг миллий анъана ва урф-одатларини акс эттирувчи кўргазмалар, ижодий чиқишларга тайёргарлик кўрилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 6 апрелдаги “Халқаро мақом санъати анжуманини ўтказиш тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида Шаҳрисабз шаҳридаги Оксарой майдони ҳудудида мақом санъати оид турли кўргазмалар, миллий соғлар ва либослар, ҳунармандлик буюмлари, тасвирий ва амалий санъат асарлари, ҳайкалтарошлик намуналари, бадиий ва ҳужжатли фильмлар, аудио ва видео дисклар, китоблар, альбомлар, фотосуратлар намойиши ва уларнинг сотуви ташкил этилиши юзасидан чоралар қўрилмоқда.

Олтмишга яқин давлатдан иштирокчилар қатнашиши кўзда тутилаётган анжуманга айни вақтда 27 давлатдан мурожаатлар бўлган.

Вазирлик берган маълумотларга кўра, миллий мақом санъатимиз намуналаридан ижро этадиган, мазкур анжуманда ўз истеъдодини намоён этадиган санъаткорларимиз сараланди. Тадбирда 7 жамоа, 5 яккахон ижрочи ва 6 созанда иштирок этади.

Мазкур йirik анжуман доирасида “Мақом санъати ва унинг жаҳон цивилизациясидан тугган ўрн” мавзусида илмий-амалий конференция ўтказиш ҳам режалаштирилмоқда. Унда ҳорижий мамлакатлардан мусиқшунос, мақомшунос олимлар, таниқли санъаткорлар, мутахассислар иштирок этиши кутилмоқда.

УНУТИЛМАС УЧРАШУВ

Уни кўпчилик Анор муаллим дейди.

Асарларини китобхонлар севиб мутлоа қилади. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ўтказилаётган “Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари” мавзусидаги халқаро конференция доирасида Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетиди Озарбайжон Ёзувчилар бирлиги раиси, таниқли адиб Анор муаллим билан ижодий учрашув бўлиб ўтди.

Тадбир аввалида университет ҳудудидаги Низомий Ганжавий хайкали пойига гул қўйилди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамда Озарбайжон Ёзувчилар бирлиги ўртасида ўзаро ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

Анор – таниқли озарбайжон шоири Расул Ризо ва шоира Нигор Рафибейлининг ўғли бўлиб, ота-онасининг ажойиб кутубхонаси, оилада ҳукм сурган адабий муҳит таъсирида улғайган. Отаси ўғлининг ўз йўли бўлишини истагани учун Анорга юридик, тиббий ёки муҳандислик йўналишида таълим олишни маслаҳат беради, ёзувчилик эса мана шу обрўли касблардан бирини эгаллагандан кейин шуғулланса бўладиган бир машғулот бўлиб қолгани маъқул, дея таъкидлаган. Лекин Анор ўз йўлини Озарбайжон давлат университетининг филология факультетида ўқидан бошлашга қарор қилди.

Кейин Москвадаги Олий сценарий ва Олий режиссёрлик курсларида таълим олади. Анорнинг адабиётдаги йўли 1960 йилда турли хўбоялар, эссе ва публицистикалар эълон қилишдан, Александр Блок, Сергей Есенин, Владимир Маяковский шеърларини озарбайжон тилига таржима қилишдан бошланган. “Мулоқот” номи биринчи қиссаси эса 1976 йилда эълон қилинган.

Анор сценарийлари бўйича Озарбайжонда ўн иккита фильм суратга олинган. Анор муаллимнинг “Дантенинг юбилеи”, “Мен, Сен, У ва телефон”, “Отелдаги хона” қиссалари, “Беш қаватли уйнинг олтинчи қавати” номи романи, айниқса, машҳур. Ўзбек китобхонлари унинг “Мен, Сен, У ва телефон” қиссасини, “Беш қаватли уйнинг олтинчи қавати” романини яхши билишади. Анор, шунингдек, “Кўрқут бобонининг китоби” номи ўғуз ҳахрамонлик эпосини насрий қисса шаклида чоп қилдирган.

Озарбайжонда зиёли кишиларнинг исмига ҳурмат юзасидан муаллим деган унвон қўшиб айтади. Унга мурожаат қилиш зарур бўлганда эса “хурматли муаллим” дейишади.

Ўзбекистонда ташкил этилган бундай халқаро конференцияда қатнашаётганимдан беҳад мамнунман, – дейди Анор муаллим. – Эрталаб Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетиди ўтказилган анжуманда қатнашдик. Ҳозир эса Низомий Ганжавий хайкали пойига гуллар қўйдик. Буларнинг бари адабиётимиздаги муштаракликдан дарак беради. Халқаро конференцияда ижодий ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш борасида белгиланаётган ишлар ўз амалий натижасини топишига ишонаман.

Тадбирда “Онаҳоним – шеъринг” адабий тўғараги аъзолари томонидан озарбайжон мумтоз шеърятидан намуналар ўқилди.

(ЎЗА)



Осиё ўйинлари – 2018

**ЮРТ ФАРЗАНДЛАРИ ГОЛИБЛИК
ДАЪВОСИДА**

Жорий йилнинг 18 август – 2 сентябрь кунлари Индонезиянинг Жакарта ва Палембанг шаҳарларида ўтказилган XVIII ёзи Осиё ўйинларида 232 нафар спортчимиз спортнинг 30 тури бўйича голиблик учун баҳслашади.

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитасида мазкур мусобақада иштирок этадиган спортчиларни расмий кузатиш маросими ўтказилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси, спорт федерациялари мутасаддилари, мураббийлар, спорт жамоатчилиги иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Азиз Абдуҳакимов ва бошқалар Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида спортни ривожлантириш, ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол инсонлар этиб вояга етказишга доимий эътибор қаратилаётгани, бунинг самарасида жаҳон ва қитъа чемпионатлари, Олимпия ва Осиё ўйинларида Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир спортчиларнинг янги авлоди вояга етаётганини таъкидлади.

Осиё ўйинларида 1994 йилдан буён мунтазам қатнашаётган Ўзбекистон спортчилари ҳақи равишда кучлilar каторидан ўрин олиб келмоқда.

Буни ўтган йиллар давомида спортчиларимизнинг мазкур мусобақадаги галабали одимларида ҳам кўриш мумкин. Жумладан, 1994 йили Япониянинг Хиросима шаҳрида ўтказилган XII Осиё ўйинларида илк мартаба иштирок этган мамлакатимиз спортчилари 11 олтин, 12 кумуш ва 19 бронза медали билан 42 давлат вакиллари ўртасида умумжамоа ҳисобида бешинчи ўринни эгаллаган эди. 1998 йили Таиланднинг Бангкок шаҳридаги XIII Осиё ўйинларида спортчиларимиз 6 олтин, 23 кумуш ва 15 бронза, тўрт йилдан сўнг Пусан шаҳрида (Жанубий Корея) ташкил этилган Осиё ўйинларида 15 олтин, 12 кумуш ва 24 бронза медал жамғарди. 2006 йили Қатар пойтахти Доҳа шаҳри мезбонлик қилган XV ёзи Осиё ўйинларида вакиллари 11 олтин, 14 тадан кумуш ва бронза медалларини қўлга киритди. 2010 йили Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида ўтган XVI қитъа ўйинларида 11 олтин, 22 кумуш, 23 бронза, 2014 йили Жанубий Кореянинг Инчон шаҳрида ўтган XVII ёзи Осиё ўйинларида 9 олтин, 14 кумуш ва 22 бронза, жами 45 медалга сазовор бўлди.

Спортчиларимиз навбатдаги Осиё ўйинларида ҳам муносиб иштирок этишга астойдил бел болаган. Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 9 мартдаги Ўзбекистон спортчиларини 2020 йил Токио шаҳрида (Япония) бўлиб ўтадиган XXXII ёзи Олимпия ва XVI Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисидаги қарори бу борадаги ишларни изчил, тизимли ва янгича асосда йўлга қўйишда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Мухтасар айтганда, ўн сақизинчи мартаба ўтказилаётган Осиё ўйинларида вакиллариимиз Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, Президентимиз ва халқимиз ишончини оқлаш учун ўз маҳорати, тажриба ва салоҳиятини тўлиқ намоён этишига шакшубҳа йўқ.

– Осиё ўйинларига жиддий тайёргарлик кўриши- миз учун барча шароит яратиб берилди, – дейди теннис бўйича халқаро турнирлар голиби Нигина Абдураимова. – Биз, спортчилар ҳафтага олти кун ташкил этилган жисмоний, техник ва тактик тайёргарлик машқларида иштирок этаялмиз. XVIII ёзи Осиё ўйинларида юқори ўринларни эгаллаб, Ватанимиз байроғини баланд кўтаришга астойдил ҳаракат қиламиз.

Маросим доирасида Ўзбекистон спорт делегацияси учун янги либослар топшириш маросими ҳам бўлиб ўтди. Ушбу спорт экиповкалар Хитойнинг "QIERTE Co.Ltd" компанияси "PRES-JOG" бренди томонидан тақдим этилди.

XVIII ёзи Осиё ўйинларининг очилиш маросимида Ўзбекистон делегациясининг байроқдори этиб тайинланган бокс бўйича Осиё чемпиони, Осиё ўйинлари совриндори, кўплаб халқаро турнирлар голиби Исроил Мадримов тадбирда сўзга чиқиб, барчага омад ёр бўлишини тилади.

**Жавоҳир ТОШХҲАЕВ,
ЎЗА мухбири**

**СИГНАЛИЗАЦИЯ БЕПУЛ
ЎРНАТИЛАДИ**

Жорий йилнинг 27 июль куни давлатимиз раҳбари раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида билдирилган танқидий фикрлардан сўнг Ички ишлар вазирлиги Қўриқлаш бош бошқармаси томонидан "Хавфсиз хонадон" махсус режаси ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда. Биргина ўтган ҳафта мобайнида республикамизда 400 дан ортиқ хонадон қўриқлаш тизимига уланди.

Тошкент шаҳрида жорий этилган интеграллаштирилган қўриқлаш тизимлари ва инновацион қўриқлаш моделини республикага татбиқ этиш белгиланди. Аҳолининг барча қатламлари манфаатларини инобатга олиб, кейинги 6 йил давомида хонадон кўриғи нархи (ойига 17 минг сўм) ўзгартирилмади.

Тадбиркорлик объектиларига қўриқлаш хизматларини кўрсатиш қўлами кенгайтирилиши натижасида техник қўриқлаш хизмат нархи бўйича 40 фоизгача чегирма белгиланди. Эътиборлиси, ушбу объектиларга қўриқлаш хизматларининг сигнализация воситалари ҳамда бошқа жиҳозлар бепул ўрнатилиши йўлга қўйилди.

Ички ишлар вазирлиги Қўриқлаш бош бошқармаси томонидан Миллий матбуот марказида ўтказилган матбуот анжуманида ана шулар ҳақида сўз борди.

Унда Ички ишлар вазирлиги Қўриқлаш бош бошқармаси бошлиғи, полковник Т.Нажимов ва бошқалар мамлакатимизда замонавий қўриқлаш ва хавфсизлик воситаларини татбиқ этиш ишларига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Бу борада амалга оширилаётган изчил ишлар натижасида мазкур хизматнинг сифат ва самарадорлиги тубдан яхшиланиб, шахсий таркибининг жанговар ва касб тайёргарлиги ортиб бормоқда.

Соҳа вакилларининг берган маълумотига кўра, эндиликда босқинчилик жиноятларининг олдини олиш мақсадида аҳоли ва тадбиркорларга "ташвиш" тугмаси бўйича хизмат кўрсатиш нархи (ҳозирда соатига 1 минг 766 сўм) ўрта ҳисобда 50-60 фоизга арзонлаштирилади.

Республика ички ишлар органлари қўриқлаш бўлинмалари томонидан жорий йилнинг шу пайтига қадар 26 минг 953 халқ хўжалиги объекти ва 12 минг 104 фуқаро хонадони қўриқлаб келинмоқда. Фаолият жараёнида жорий йилда 23 жиноий тажовузнинг олди олинди. Тошкент ва Андижон шаҳарларида техник қўриқлаш тизими тўлиқ замонавий интеграллашган, инновацион технологияларга ўтказилди. Ҳозирда улар орқали 5 минг 202 объект ва 6 минг 977 хонадон қўриқланмоқда.

Тадбирда иштирокчилар қўриқлаш хизмати фаолиятига татбиқ қилинаётган бошқа янгилликлар билан ҳам танишди.

**Д.СУННАТОВ,
ЎЗА мухбири**

**ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ
КУРАШИШ БАРЧАМИЗНИНГ
БУРЧИМИЗ**

Жорий йилнинг олти ойида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан жиноят содир этиш ҳолатлари 38,67 фоизга, жиноят қидируви йўналишидаги жиноятлар эса 38,86 фоизга камайган.

Бунинг бари мамлакатимизда жиноятчиликка қарши курашиш, унинг олдини олиш, жиноятларнинг юзга келиши мумкин бўлган ҳолатларни барвақт бартараф этишга қаратилган ишларнинг самарасидир. Аммо содир этилиши мумкин бўлган жиноятларга йўл қўймаслик, жиноятлар сонини кескин камайтириш мақсадида бу борадаги ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Президентимиз раислигида жорий йилнинг 27 июль куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида кўрилаётган чора-тадбирларга қарамадан жойларда ҳали жиноятчиликнинг туб илдицига тўлиқ етиб борилмаётгани, жиноятларнинг асл сабаблари ўрганилмаётгани, маҳалла, меҳнат жамоалари ва таълим муассасаларида муҳомадалар номига ташкил қилиниб, расмийлаштирилган нарига ўтилмаётгани кескин танқид қилинди.

Видеоселектор йиғилишида оммавий ахборот воситалари олдида ҳам бир қатор муҳим вазифалар қўйилган. Улар ижросини таъминлаш доирасида Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида Ички ишлар вазирлиги билан ҳамкорликда "Жиноятчиликнинг олдини олиш ҳамда унга қарши курашишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни: талаб ва тавсиялар" мавзусида семинар ўтказилди. Тадбирда оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳамда ички ишлар идоралари масъул ходимлари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги бош директори Лазиз Тангриев, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директори Абдусайд Кучимов, Ички ишлар вазирлиги матбуот хизмати бошқаруви Кутбиддин Бурханов ва

бошқалар жиноятчиликнинг олдини олишда тегишли ташкилотлар билан бир қаторда оммавий ахборот воситалари олдида ҳам қатор вазифалар қўйилганини, жиноятчиликка қарши курашиш масалаларини ёритишда журналистнинг профессионал фаолияти асослари ҳамда касб этикаси ҳақида сўз юритди.

Семинарда ички ишлар органлари томонидан жиноятчиликнинг олдини олиш борасида қилинаётган ишлар ҳақида ҳам маълумот берилди. Ички ишлар органларини аҳолига янада яқинлаштириш орқали фаолият самарадорлигини тубдан ошириш мақсадида таянч пунктларининг янгиланган жойлашуви тасдиқланди ва унга асосан кўшимча 175 ички ишлар бўлинмаси ва 824 таянч пункти ташкил этилди. Шунингдек, профилактика инспекторлари сони 1 минг 102 нафарга кўпайтирилган.

Ҳафтанинг ҳар пайшанба куни "Хуқуқбузарликлар профилактикаси куни", ҳар чоршанба куни эса "Ёнгин профилактикаси куни" ўтказилиб келинмоқда. Маҳаллаларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва кенг жамоатчилик вакиллари билан бундай кенг қамровли тадбирларнинг ушқоқлик билан ўтказилиши, ҳеч шубҳасиз, жиноятга нисбатан муросасизлик муҳитини яратмоқда. Ёшларни қонунга итоаткорлик руҳида тарбиялаш ҳамда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Шунингдек, тадбирда жиноятчиликка қарши курашиш масалаларини ёритишда оммавий ахборот воситаларига қўйилаётган талаблар, журналистларнинг ихтисослашуви каби масалалар муҳокама қилинди.

Абдували СОДИҚОВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**"Universal Realtor" МЧЖ бошланғич баҳоси
босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган
очик аукцион савдоларига таклиф этади!**

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Тошкент шаҳри худудий бошқармасининг буюртмасига асосан очик аукцион савдосига қўйидаги кўчмас мулклар қўйлади.

1. "Изаат" МЧЖ балансида оператив бошқарув ҳуқуқида давлат мулки бўлган Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Мумтоз кўчаси, 55(5а)-уй манзилида жойлашган 270 кв.метр бўлган меҳмонхона биноси. Бошланғич баҳоси 579 168 500 сўм.

2. Тошкент шаҳри, Сергели тумани Халқ таълими бўлими балансидаги Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Нилуфар кўчаси, 28-уй манзилида жойлашган 1569 кв.метр бўлган қурилиши тугалланмаган сув ҳавзаси биноси. Балансда сакловчи фаолият соҳаси: халқ таълими муассасалари фаолиятини методика таъминлаш ва ташкил этиш.

Бошланғич баҳоси 4 309 449 887 сўм.
Аукцион савдоси голиби савдо натижалари тўғрисидаги баённома имзоланган кундан бошлаб 20 кун мuddат ичида сотувчи билан мулк олди-сотди шартномасини имзолаши шарт.

Очик аукцион савдоси 2018 йил 10 сентябрь куни соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Истикбол кўчаси, 15-уйда бўлиб ўтади. Талабгорлардан буюртманомалар юқорида кўрсатилган манзилда расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади. Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш 2018 йил 7 сентябрь куни соат 11:00 да тўхтатилади. Ушбу кўчмас мулклар ушбу кундаги савдоларда сотилмаган тақдирда такрорий аукцион савдоси 2018 йилнинг 24 сентябрь, 9, 23 октябрь, 6 ноябрь кунлари соат 11:00 да юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади. Такрорий савдолар бўйича талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш 2018 йилнинг 21 сентябрь, 8, 22 октябрь, 5 ноябрь кунлари соат 11:00 да тўхтатилади.

Талабгорлар буюртманомани савдо ташкилотчисига бевосита ёки почта орқали, шахсан ёхуд унинг вакили орқали қўйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда тақдим этишлари лозим: юридик шахслар учун давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, ваколатли вакил учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда; жисмоний шахслар учун — паспорт нусхаси, ваколатли вакил қатнашган тақдирда, ваколатли вакил учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда; очик аукцион савдоси тўғрисидаги хабарномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжати нусхаси.

Очик аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан "Закалат пули тўғрисидаги келишув"ни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "Universal Realtor" МЧЖ АТБ "Капитал Банк" Тошкент шаҳар филиалидаги МФО 00445, СТИР 302269399, 20208000104975228001 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Кўшимча маълумот олиш манзили: 100047, Тошкент шаҳри, Истикбол кўчаси, 15-уй. Тел: 150-35-55, факс 236-74-67. www.realtor.uz. Email: universal.realtor@mail.ru
Лицензия RR-0127

"Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти "Темир йўл обод" мажмуасига жорий йилда Германия давлатидан сименталь зотиға тегишли қорамоллар олиб келиниши, шунингдек, сутни қайта ишлаш цехи (10 тонна, сут, қаймоқ, пишлоқ в.к.) молларни соғиш зали Германия усқунасини (24,28 талик) ва гўштни қайта ишлаш цехи (кунига 0,5, 1 тонна ишлаб чиқаришни) сотиб олиш бўйича ҳўжалик юритувчи субъектлардан тижорат таклифларини қабул қилади. Манзилимиз: Toshkent sh., 100060, T.Shevchenko ko' chasi, 7. Tel: 236-48-56, 236-48-64, fax: 256-16-59. Email: ush@railway.uz.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент архитектура қурилиш институти томонидан 2008 йилда Юсупова Севара Абдувоитовнага берилган В № 419066 рақамли диплом иловаси йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

**"ТОШКЕНТ ОКШОМИ" ва
"ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ"**

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.

ЎзГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ
— 37-39 даража иссиқ бўлади.
Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотиға кўра, 10 августда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратмади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.
Тошкент шаҳрида 10 август куни ҳаво ўзаариб туради, ёлғизчилик бўлмайди. Шарқдан секундиға 3-8 метр тезлиға шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 22-24, кундузи